

**ORTHOSIPHON ARISTATUS VAR. ARISTATUS – БУЙРАК ЧОЙИНИ****ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ****Озодбекова Гавҳарой Азизбек қизи**

Тошкент давлат аграр университети

Ибрагимова Шахзода Шерали қизи

Тошкент давлат аграр университети

Хомидова Наргиза Исакуловна

Тошкент давлат аграр университети

Махкамов Тробжон Хусанбоевич

Тошкент давлат аграр университети

homidovanargiza86@gmail.com**АННОТАЦИЯ**

Мақолада Ўзбекистонда буйрак чойини кўпайтириш ва етиштиришнинг илмий асосланган усуллари бўйича натижалар келтирилган. Шу билан бирга *Orthosiphon aristatus var. aristatus* нинг хом-ашёсини тайёрлаш ва унинг сифати ҳамда тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган

Калит сўзлар: *Orthosiphon aristatus var. aristatus*, экиш, етиштириш, агротехник тадбирлар, тиббиётда қўлланилиши.

ABSTRACT

The article presents the results of scientific research on scientifically based methods of reproduction and cultivation of *Orthosiphon aristatus var. aristatus* in Uzbekistan. At the same time, information is given on the preparation and therapeutic use of raw materials of the *Orthosiphon aristatus var. aristatus* and its chemical composition.

Key words: *Orthosiphon aristatus var. aristatus*, cultivation, agrotechnical measures, use in medicine.

КИРИШ. Бугунги кунда жаҳон ва илм фанда доривор, озиқ-овқатбоп ва хушбўй зираворлик хусусиятларини сақловчи ноёб ўсимликларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва уларни етиштириш йўлларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор



қаратилмоқда. Бундай истиқболли ўсимликлар қаторига *Ortosiphon stamineus* Benth. ҳам киради ва ҳозирда қатор мамлакатларда етиштирилиб, хомашёси экспорт қилинмоқда.

Республикамизда кейинги йилларда фармацевтика ишлаб чиқаришида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилиб, бу борада, айниқса, маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш ва доривор ўсимликлар хомашё базасини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда доривор ўсимликларнинг хомашёсини кўпайтириш ҳамда уларнинг саноат плантацияларини ташкил этиш, биологик фаол моддаларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича қиёсий таққослаш ва истиқболли навларини саралаш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда [1,2,3,4,5,6,7,8]. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арzon, сифатли дори воситалари билан таъминлаш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқсан ҳолда *Orthosiphon aristatus var. aristatus* ни кенг масштабли плантацияларини ташкил этиш, республикамиз шароитида ўсиш ва ривожланишини асослаш, фитокимёвий таркибини аниқлаш, кўпайтириш йўлларини ишлаб чиқиш, интродукцион баҳолаш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўсимликнинг тарқалиши. Буйрак чойининг ватани тропик Жануби-Шарқий Осиёдир. Асосан Индонезия (Ява, Суматра ороллари), Бирма, Лаос, Филиппин, Вьетнамда тарқалган.

Агротехник тадбирлар. Буйрак чойи бир йиллик экин сифатида, Грузия субтропикларида қаламчадан кўчат тайёрланиб, етиштирилади, Ўзбекистоннинг ихтисослаштирилган хўжаликларида синовдан ўtkazилган. Аниқланишича, буйракчой сояда, очик-куёшли ерларда яхши ривожланади. Намлик ва тупроқ унумдорлигига талабчан. Буйракчой поя-қаламчаларидан кўпайтирилади. Кўчат ҳар или, декабрнинг иккинчи ярмидан бошлаб иссиқхоналарда ҳаво ҳарорати 18-22°C тайёрланади. 5-7 см узунликда қирқилади. Новдалардаги барглар олиб ташланади, фақат учидаги баргларгина қолдирилади. Буғланишни камайтириш учун йирик



барглар кўндалангига иккига бўлинади, майда баргларга тегилмайди. Шу тарзда тайёрланган қаламчалар 60x45 см ўлчамли, баландлиги 25 см бўлган кўчат қутиларга ўтказилади. Дренаж учун қутига 2-3 см қалинликда керамзит ёки майда шағал, кейин йирик донадор қум солинади. Дренаж устига 10-15 см қалинликда 1:1:1 нисбатда чириган барг, чириган гўнг ва қум аралашмасидан иборат озиқлантирувчи тупроқ солинади. Унинг устига 5-6 см қалинликда йирик донадор қум солинади. Қаламчалар қиялатиб, устки қум қатламига 3-5 см чуқурлиқда, 5x5 см оралиқда экилади, лейкада захлатиб суғорилади. Кейин қути усти шиша ёки шаффоф плёнка ёпиб қўйилади. Бир гектар ерга етарли кўчат тайёрлаш учун 300 квадрат метр ёпиқ грунт талаб этилади. Қаламчалар экишда жовоонлардан, иссиқхона тубидаги ерлардан фойдаланиш мумкин, лекин бунда ҳам юқорида баён этилганидек дренаж, озукавий муҳит бўлиши керак. Қаламчаларнинг илдиз олиши 85-90 % ташкил этади. Илдиз олганидан кейин суғориш сони камайтирилади, лекин тупроқ доим нам ҳолатда тутиб турилиши керак. Сўнгра шиша ёки плёнка аста-секин олиб ташланади. Далага олиб чиқиб экилгунга қадар апрель охири, май ойининг бошларида иссиқхонадаги кўчатлар бўйи 15 см га этади. Қаламчаларда 1 тадан 4 тагача поя бўлиб, яхши ривожланган попук илдизлар ҳосил бўлади. Буйракчой ўсимлигини етиштириш учун унумдор, бегона ўтлардан тозаланган, шамолдан пана жойлар танланади. Бунинг учун ёш мевали боғларнинг қатор оралиқларидан фойдаланиш мумкин. Лекин бу ерда заарқунанда ва қасалликларга кимёвий эмас, балки биологик усулда курашиш керак. Ерни ҳайдаш олдидан гектарига 20-30 тонна чириган гўнг, 100 кг соф фосфор солинади. Тупроқ 20-25 см чуқурлиқда ҳайдалади. Суғориш эгатлари олинишидан олдин тупроқ икки марта молаланади. Жўяклар узунлиги жойнинг нишоблигига, тупроқнинг механик таркибиغا, намиқиши даражасига боғлиқ бўлиб, даланинг исталган қисмида ўсимликларнинг бир текис суғорилишига имкон берishi керак. Кўчатни қутидан илдизи атрофидаги тупроқ билан кўчириб олиб, уни бузмай жўякларга 5-8 см чуқурлиқда экиш муҳимдир. Кўчат турлари оралиғидаги масофа 15 см бўлиб, гектарига 120 минг кўчат тўғри келиши керак. Ўғитлаш ва культивация қилиш унинг тез ривожланишига имконият тугдиради. Ўсув даврида ҳар 10 кунда бир марта



сугориб туриш лозим. Ҳар 2-3 сувдан кейин ораларини культивация билан юмшатиб бегона ўтлардан тозалаб туриш керак. Июнь ойининг охирларидан то вегетация охиригача ҳом-ашёни йифиб бориш керак. Охирги ўримда ҳамма барглари йифиб олинади. Ҳом-ашёни соз ерда қуритилади.

Гектаридан 18-20 центнергача қуруқ ҳом-ашё йифиб олиш мумкин.

Ҳом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Ўсимликнинг ҳом-ашёси вегетация давомида терилган ва қуритилган барглари ҳисобланади. Ҳом-ашё 2 жуфт баргли 2 см узунликдаги новчасидан иборат. Барги чўзиқ тухумсимон ёки ромбсимон, ўткир учли, арасимон қиррали, пастки томони тукли, узунлиги 2-5 см, эни 1,5-2 см. Маҳсулот хидсиз, бир оз аччик, буриштирувчи мазага эга. Маҳсулотнинг миқдорий кўрсаткичлари: сувда эрийдиган экстрактив моддаларнинг миқдори 30% дан кам бўлмалиги; намлик 12%, умумий кул 12%, ҳар иккала томони қорайган барглар 2%, поялар миқдори 30%, органик қўшимчалар 1%, минерал қўшимчалар 1% дан кўп бўлмаслиги лозим.

Ҳом-ашё 15 кг.ли қофоз ёки зифир-канопли қопларга жойланиб сақланади. Сақланиш муддати 4 йил.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Буйракчойдан сувли дамлама сифатида шифобахш восита ўрнида фойдаланишга руҳсат берилган. Буйрак чойи сийдик ҳайдовчи восита сифатида сурункали буйрак касалликларида, буйрак-тош касалликларида қўлланилади. Цистит, уретрит, подаграда, диабетда; холецистит, сурункали буйрак касалликларида, II-III босқичли юрак-томир етишмовчилигига, бод ва шу каби касалликларда буюрилади.

Буйрак чойи препаратларини бир вақтнинг ўзида юрак гликозидлари билан ишлатиш мумкин. Ўсимлик асосан буйракнинг барча турдаги касалликларида кенг қўлланилади, ва у узоқ қўлланилганда хам организмга заарли таъсир кўрсатмайди.

Буйрак чойининг ҳом-ашёси таркибида тритерпен сапонинлар, инозит, аччик ортосифон гликозиди, 1,5% гача вино, лимон ва бошқа кислоталар, 0,2-0,66% эфир мойи, 5-6% ошловчи моддалар, кўп миқдорда калий тузлари бўлади.



Тавсиялар. Катта масштабли плантациялар ташкил этиш талаб этилади. Фаргона водийси, Тошкент ва Самарқанд вилоятларининг унумдор тупроқларида этиштириш мумкин.

REFERENCES

17. Жумабоев Ф.Ш., Махкамов Т.Х., Авазова М.А. Тошкент вохаси шароитида испан мингбошини этиштириш технологияси //Agro Inform. – 2022. – №. 4. – С. 30-35.
18. Жумабоев Г. Ш., Махкамов Т. Х. Инвазив ўсимлик-Испан мингбоши (*Vaccaria hispanica* (Mill.) Rauschert) ни маданийлаштириш истикболлари ва уруг унувчанлиги //ГулДУ ахборотномаси. – 2022. – Т. 1. – С. 17-23.
19. Мелиқўзиев А. А., Ергешев Д.А., Махкамов Т. Х. Инвазив ўсимлик *Amorpha fruticosa* L. нинг биоэкологик хусусиятлари ва қўпайтириш усуллари //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 7. – С. 168-175.
20. Sotiboldieva D. I., Mahkamov T. X. Component composition of essential oils Curcuma longa L.(Zingiberaceae) introduced in Uzbekistan //American Journal of Plant Sciences. – 2020. – Т. 11. – №. 8. – С. 1247-1253.
21. Тўхтаев, Б. Ё., Маҳкамов, Т. Х., Тўлаганов, А. А., Маматкаримов, А. И., Маҳмудов, А. В., & Аллаяров, М. Ў. (2015). Доривор ва озукабоп ўсимликлар плантацияларини ташкил қилиш ва хом ашёсини тайёрлаш бўйича йўриқнома.
22. Yuldasheva, N. E., & Aminova, M. (2022). *Albuca bracteata-hind* piyozini etishtirish usullari va shifobahshlik xususiyatlari. Academic research in educational sciences, 3(2), 376-384.
23. Мелиқўзиев, А. А., Ергешев, Д. А., & Махкамов, Т. Х. (2022). Инвазив ўсимлик *Amorpha fruticosa* L. нинг биоэкологик хусусиятлари ва қўпайтириш усуллари. Academic research in educational sciences, 3(7), 168-175.
24. Сотиболдиева, Д., Махкамов, Т. Х., & Дусчанова, Г. М. (2019). Анатомо-гистологическое строение корневища *Curcuma longa* L.(сем. Zingiberaceae) в условиях интродукции). НамДУ илмий хабарномаси, 1, 54-59.